

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Ражабова	
Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
Н.Шарафиддинова	
Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети	79
	ТИЛШУНОСЛИК
М.Абдупаттоев	
Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура	87
М.Турдибеков	
Конибодом тумани макро ва микро топонимлари	92
М.Усманова	
“Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари	96
М.Иброхимова, Т.Алимов	
Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
М.Мадаминова	
Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
С.Ҳабибуллаева	
Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти.....	111
А.Уралов	
Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция	115
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Р.Сафарова	
Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
Э.Мирзажонова	
Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
М.Туйчиева	
Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари	129
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов	
Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришланишнинг жадал технологияси	134
Р.Пирназаров	
Қурбонқул қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
Б.Холматова	
Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
Н.Собиров, С.Исроилова	
Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари	144
М.Болтабоев	
Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи	147
Д.Абдуллаев	
Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
Н.Исраилов	
“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши.....	154
А.Мусаев	
XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш	159
С.Ҳамрақулов	
“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши	163

УДК: 141+(042)

МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ХОСЛАНИШИ

ПРАГМАТИЧЕСКАЯ АДАПТАЦИЯ ФОРМ ОБРАЩЕНИЯ

PRAGMATIC ADAPTATION OF ADDRESSING FORMS

Мадаминава Муҳаббат Сотволдиевна¹¹Мадаминава Муҳаббат Сотволдиевна – Адижон давлат университети таянч докторанти.**Аннотация**

Мақолада ўзига хос синтактик қурилма – ундалмаларнинг лексик-грамматик табиати асосида нутқий мулоқот жараёнидаги лингвопрагматик хусусиятлари субстанциал ёндашув орқали тадқиқ қилинди.

Аннотация

В статье исследуются лингвистико-прагматические особенности процесса речевого общения на основе лексико-грамматической природы конкретной синтаксической структуры-мотивации путем предметного подхода.

Annotation

In this article, the linguistic-pragmatic features of the process of speech communication on the basis of the lexical-grammatical nature of the specific syntactic structure-motivations are studied by the way of the substantive approach.

Таянч сўз ва иборалар: синтаксопрагматика, когнитив ёндашув, мурожаат шакллари, синтактик қурилма, нутқий вазият, дискурс, ташқи омиллар, нутқий таъсир.

Ключевые слова и выражения: синтаксопрагматика, когнитивный подход, формы обращения, синтаксическая структура, речевая ситуация, дискурс, внешние факторы, речевое влияние.

Key words and expressions: syntaxopragsmatics, cognitive approach, forms of address, syntactic structure, speech situation, discourse, external factors, speech influence.

Тилшуносликда узоқ вақт давомида, то XX аср ўрталарига қадар синтаксис ва семантика соҳалари алоҳида ўрганиб келинди, улар орасида жуда аниқ фарқ бор эди: лексикология тилнинг семантик томони, грамматика (морфология ва синтаксис) эса шаклий-грамматик жиҳати билан шуғулланди. Замонавий тилшуносликда семантика ва синтаксис бирлашди: бир томондан, лексик семантикада, биринчи навбатда Москва семантик мактаби вакилларининг асарлари (Ю.Д.Апресян, И.А.Мельчук ва бошқалар)да синтаксисга қизиқиш кучайди; бошқа томондан, синтактик бирликлар семантик жиҳатдан фаол ўрганила бошланди (Н.Д.Арутюнова, Е.В.Падучева, О.Н.Селиверстова ва бошқалар) [8,33].

Бу ҳол ўзбек тилшунослигида ҳам ўз аксини топди. А.Нурмонов ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб белгининг борлиқ билан муносабатини ўрганиш кучайганлигини таъкидлар экан, тилнинг турли сатҳ бирликларини семантик нуқтаи назардан тадқиқ этувчи тилшуносликнинг фоносемантика, морфосемантика, лексик семантика, синтактик семантика сингари йўналишлари пайдо бўлганлигини айтиб ўтади. “Семантик тадқиқотлар натижалари лисоний бирликларнинг нутқий жараёндаги вазифасини контекст, нутқий вазият, сўзловчи ва тингловчи

шахсларни эътиборга олмасдан туриб тўлиқ ўрганиб бўлмаслигини кўрсатди.” [6,76].

Маълумки, Н.Хомский ғоялари инсоннинг тилни эгаллаш қобилияти, шунингдек, тилдан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар доирасини кенгайтди.

Генератив тилшунослик билан боғлиқ бўлган янги даврда бихевиоризм ғояларига бўлган қизиқиш йўқолди, структур парадигмадан генератив парадигмага қатъий равишда ўтиш “Хомский инқилоби” ёки “иккинчи когнитив инқилоб” деб номланди. Унинг характерли хусусияти тилни яратилган расмий моделлар орқали ўрганиш эди. Ушбу моделлар тилни тавсифловчи асосий параметрларни акс эттиради. Лисоний қобилиятни чекланган миқдордаги сўзлардан чексиз кўп жумла олиш дастурига эга бўлган мия тушунчаси асосида маълум қоидалар тизими орқали ўрганиш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа, Н.Хомский “ақлий грамматика” ва “универсал грамматика” ғояларини таклиф қилди. Унинг фикрича, грамматикани ўрганишда одам сўзлар тартибини эмас, балки нутқ қисмлари тартибини ўрганади. Таклиф барча тиллар грамматикалари учун умумий схемага қаратилган [3,88-100].

Хусусан, матн – дискурс прагматикаси муаммолари, сўзловчи – адресат

ТИЛШУНОСЛИК

муносабатиди тил бирликларидан фойдаланишнинг психологик-прагматик омиллари, тил ва инсон омилнинг ўзаро таъсири каби масалалар коммуникатив прагматикани ўрганиш заруратини келтириб чиқарди. Бу эса дискурсив вазиятни яхлит ҳолда, яъни гап тузилиши билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар доирасида тадқиқ қилишни тақозо этади.

“Гап ичидаги синтактик бирликлар синтагматик занжирда ўзаро бир-бирига ва тил тизимига боғлиқ бўлиб, маълум парадигматик муносабатлар доирасида бирикадилар.” [7,114].

Муайян синтактик қурилма контекстда турли маъно белгилари, контекстуал маънолар касб этадики, шакл ва мазмун алоқадорлигини тил ва нутқ дихотомияси негизида назарий умумлаштиришни талаб этади. Мазкур масала синтактик бирликларнинг имконият усулларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради.

Назариётчилар ва амалиётчилар кузатиладиган нутқ ҳодисаларининг доимий, барқарор, тил ташувчилари томонидан бир хилда ёки озгина фарқ билан такрорланадиган мураккаб турларини излайдилар [1,202-220]. Баъзан муайян бир фикр ифодаси учун мутлақо ўзгача семантикага эга синтактик қурилмадан фойдаланиш зарурати юзага келади. Бунда ўша ўзгача тарзда ифодаланган маъно тил меъёри доирасида қабул қилинади. Айни восита тўғридан-тўғри ифодаланадиган бирлик сингари ўзининг моддий-мантқиқий маъносида ҳам, мажозий маънода ҳам бўлиши мумкин. Ушбу ҳол тил бирликларининг воқеликни ўзига хос тарзда ифода этишини кўрсатадики, бундай ҳолларда тил бирликлари орасидаги мувофиқлик прагматик хусусият касб этади.

Демак, ифоданинг адресат томонидан тўғри қабул қилинишига асосий маъно ташувчи лексик бирликларгина эмас, балки синтактик қурилмаларнинг тўғри идрок этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мулоқот таркибидаги ҳар бир унсур, катта-кичиклигидан, асосий ёки ёрдамчилигидан катъий назар, муайян маъно ва лисоний вазифанинг юзага келишида маълум аҳамият касб этадики, унинг адресат томонидан етарли баҳоланмаслиги ёки янглиш тушунилиши сўзловчи назарда тутган фикрнинг нотўғри талқинига олиб келади.

Тил бирликлари ҳамма вақт ҳам одатда қўлланиладиган нутқий қолипларида келавермасдан, баъзан ўзгача матний хусусият ҳам касб этадики, уларнинг жиҳати

янги прагматик маъно ташишга хизмат қилади. Муайян синтактик қурилма контекстда турли маъно белгилари, контекстуал маънолар касб этишидаги шакл ва мазмун алоқадорлигини тил ва нутқ дихотомияси негизида назарий умумлаштиришни талаб этади. Мазкур масала синтактик бирликларнинг имконият усулларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради.

Грамматик шакл у ёки бу тарзда маъно моҳиятини акс эттиради. Тилга замонавий когнитив ёндашув асосини тил бирликлари шаклларида мақсадга мувофиқ когнитив тузилмаларни қайта тиклаш ғояси ётади. Қайта қуриш лингвистик шаклнинг асос маъноларига асосланади: лингвистик шакл қандай туртки берса, унинг ортида турган когнитивликни акс эттиради.

Мазмуннинг “аслида” қандай қилиб қурилганлигини англатувчи моделини топиш керак. Ушбу ёндашув инсон миясида юзага келадиган жараёнларга эътибор беришни талаб қилади [1,202-220]. “Мазмуний синтаксисда гап мазмуни икки унсур – объектив ва субъектив мазмундан иборат деб қаралади. Объектив мазмун гапда акс этган пропозиция бўлиб (у диктум ҳам дейилади), субъектив мазмун эса бу воқеликка сўзловчининг муносабати (у модус деб юритилади)дир.” [4,54].


Т.В.Шмелева синтаксиснинг уч таркибий қисми - **шаклий, семантик оч актуал** синтаксисни фарқлаш кераклигини таъкидлайди ва уларни бир-биридан чегаралаш эмас, балки уч ўлчовли ҳодиса - жумла ҳақида алоҳида олинган маълумотлардан мураккаб, аммо бирлаштирилган ифодани яратиш жараёни сифатида талқин қилади [11,4]. Бошқача айтганда, бу уч жиҳат синтактика, семантика ва прагматика бирлигини ташкил этади.

Синтактик қурилманинг таркибий қаватланиши ҳақида сўз борар экан, “Гап моделида улар қандай шаклланади ва намоён бўлади?” деган савол келиб чиқади. “Синтактик қурилма ифодалаган объектив **далил**, воқеа диктум ҳисобланади. Айрим муаллифлар мантиқ терминологиясидан фойдаланган ҳолда, уни пропозиция атамаси билан номлайдилар. Модус синтактик қурилма **орқали** ифодаланган воқеанинг борлиққа муносабати ҳамда сўзловчининг ўзи ифодалаётган воқеага муносабатини ифодалайди.” [9,23]. Диктум ва модус тушунчасини Шмелеванинг уч ўлчовли жумла назариясига татбиқ қиладиган бўлсак, жумла = (диктум + модус) → актуаллашув) формуласи

келиб чиқади. Шу тарзда, жумла мазмунининг иштирок этади.

актуаллашувида прагматик омиллар ҳам

=



Е.А.Стародумова модусни актуаллаштириш категориялари воқеликка (пропозитив мазмунга) муносабатни ифодаловчи 4 та асосий унсурни тавсифлайди: модаллик, шахслантириш, замон ва макон локаллиги.

Модаллик - бу пропозитив мазмуннинг воқелик билан реал нореал нуқтаи назари асосидаги муносабати бўлиб, лексик ва грамматик усулларда ифода этилади. Масалан, феъл майллари, шунингдек, *хоҳлайман, қила оламан, керак, зарур, шарт* каби истак, имконият, мажбурият ва бошқа модал маъноларга эга сўзлар.

Шахслантириш - бу ҳаракат, хусусиятнинг вазият субъекти билан боғлиқлиги, сўзловчи, адресат ва ўзга шахс феълнинг шахс-сон шакллари билан кишилиқ олмошларининг мос келиши.

Замон локаллиги. Бунда бошланғич нуқта нутқ моментидир. Замон локаллиги оппозиция (ҳозир - олдин – кейин)да ўзини намоён қилади. Феълнинг замон шакллари ва лексик кўрсаткичлар – вақт маъносига эга сўзлар билан ифодаланади.

Макон локаллиги қиймати юқоридаги 3 хил категорияга нисбатан ихтиёрий. Бу, воқеа-ҳодиса рўй бераётган маконнинг у *ерда/у ерда, бу ердан/бу ёққа, бу ердан/у ердан* каби қарама-қаршилиқларда мулоқот доирасига нисбатан белгиланишидир. Макон локаллиги синтактик қурилманинг прагматик маъноси орқали билвосита ифодаланиши ҳам мумкин [8,38-39].

Масалан, *Кетинг, илтимос* жумласида “бу ердан”, “ёнимдан” макон маънолари яширин тарзда ифодаланган. Худди шу жумлада *илтимос* модал сўзи ёрдамида “унинг қолишини хоҳламаслик” модаллик маъноси ҳам ифодаланмоқда, *кетинг* феъл

шакли эса нутқнинг II шахс (тингловчи)га қаратилганлиги ва ҳозирги-келаси замонга ишора маъносини англатади. Шу тариқа, диктумда ифодаланган грамматик категориялар модус маъноларини ифодалаши натижасида жумла **актуаллашади**.

“Синтактик қурилмалар таркибидаги лисоний белгиларнинг предмет ва тушунчага бўлган муносабати семантикада ўрганилади. Прагматиканинг эса нутқий актнинг бевосита контекст билан муносабатини ўрганиши кўрсатилди. Кўринадики, нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш объекти саналади.

Демак, нутқий акт билан контекст ўртасидаги муносабат жуда кучли бўлганда, нутқий акт маъноси контекст билан боғлиқ ҳолда анланган ўринларда прагматикага эҳтиёж туғилади” [10,11-12].

“Амалий синтаксис муаммоларини ҳал қилишда Ч.Филлморнинг “тушуниш мазмуни” ғояси катта ёрдам беради. Ч.Филлмор мазмуний назарияни “тушуниш мазмуни” ва “ҳақиқат мазмуни” назарияларига ажратган ҳолда, “тушуниш мазмуни” назарияси остида лисоний матнлар билан жараён ўртасида мавжуд бўлган муносабат ҳақидаги умумий тасаввурни тушунади. “Тушуниш мазмуни”нинг вазифаси лисоний матн билан унинг матнлар қуршовида тўлиқ тушунилиши ўртасидаги алоқа моҳиятини очишдан, жумланинг у орқали ифодаланаётган вазият билан алоқасини кўрсатишдан иборат” [6.199].

“Тилнинг асосий вазифаси одамларнинг бир-бирларини тушунишлари ва гаплашишларида восита бўлиб хизмат қилишдир. Ахборот узатиш ва қабул қилиш воситаси бўлиш - тилнинг коммуникатив моҳиятидир” [4,48]. Шу жиҳатдан синтактик

ТИЛШУНОСЛИК

бирликларнинг ҳам коммуникатив жиҳатига эътибор қаратиш уларнинг муҳим антропоцентрик жиҳатларини тадқиқ қилиш имконини беради.

Коммуникатив синтактик жиҳат нутққа ҳам, тилга ҳам тегишли. коммуникатив синтаксис бирлиги – гапириш, яъни нутқий ифода мулоқот мақсадларига мос келадиган коммуникатив функциядир. Индивидуал ва нутқий вазиятга асосланган нутқий ифодалар чексиз хилма-хилдир. Аммо ифодада шундай хусусиятлар ҳам мавжудки, улар нафақат нутқ, балки тил фактларини ҳам белгилайди. Ифодаларнинг лингвистик моҳияти уларнинг типологиясида намоён бўлади[8,41].

Тилдаги синтактик воситаларнинг прагматик имкониятларини ўрганиш, жумладан, тингловчига мурожаат шаклларини таҳлил қилиш долзарб масалалардан биридир. Сўзловчининг олам лисоний манзарасини англашдаги ўзига хослиги, иллокацион ниятига мос келадиган синтактик бирликларни танлаши ҳамда адресатнинг дискурсив вазиятдаги ижтимоий воқеликни идрок этиши ва баҳолаши жараёнида синтактик воситаларни қабул қилишдаги прагматик ёндашуви доирасидаги тадқиқотлар маълум даражада адресант ва адресатнинг ички ҳолатини ифода этувчи психолингвистик асосларни ўрганиш имконини беради. “Фикрлашимизнинг психологик асоси бўлган тасаввурлар заҳирасини аввалги таассурот ва кечинмаларимиз тақдим этади ва тажрибалар йиғилиб боради; бу фикрларнинг коммуникатив актда бирлашиши гапнинг психологик асосини ташкил этади” [12,340-341].

Маълумки, ўзбек тилида сенлаб ёки сизлаб мурожаат қилишнинг ўзига хос лисоний-услубий меъёрлари мавжуд. Асосан, ёши, мавқеи, лавозими, расмий мақоми каби омиллар асосидаги вертикал муносабатларда сизлаб мурожаат қилинади. Аксинча, ўзига нисбатан кичик ёшдагиларга, тенгқур, дўст-биродар, яқин қариндош ёки норасмий мақомдагиларга нисбатан сенсираб мурожаат қилиш мумкин. “Ўзбекистоннинг ҳамма худудларида бобо, буви, ота, она, амаки, амма, тоға, хола, ака, опа каби катта ёшли тингловчиларга сизлаб, набира, фарзанд, жиян, ука, сингил сингари кичик ёшдаги тингловчиларга асосан сенлаб мурожаат қилиш кузатилади” [2,198-204].

Қуйидаги матнда 3 хил муносабат шакллариининг меъёрий даражаси акс этган: **она (ота) → бола, эр → хотин** муносабатида сенсираш мумкин, **хотин→эр** муносабатида

эса, албатта, сизлаб мурожаат қилиниши шарт.

Йиғламанг-да, аяжон, мана, юрипман-ку. Менга жин урмайди. Она ҳамон уни бағридан қўйиб юбормас, пешаналаридан силар, юз-кўзларидан тинмай ўпарди.

- **Ранги-рўйингни қара, сенга нима бўлди, болам. Вой-бу, кийим-бошларинг ҳам жулдур бўлиб кетибди. Нима еб, нима ичиб юрибсан, тентаккинам. Менгинани кўндириб шақларда юрибман дегин.**

Шу пайт Умматали етиб келди.

- **Қўй энди, онаси, дамани олсин, ишлаб турган жойида чақириб келяпман.**

- **Вой, шошманг, дийдоргинасига бир тўйволай.** (Саид Аҳмад. “Уфқ” трилогияси).

Ўзбек менталитетига кўра аёлларнинг ўз умр йўлдошларига сенлаб мурожаат қилиши мулоқот хулқи меъёрларининг ўта кўпол бузилиши, маънавиятсизлик белгиси ҳисобланади.

Хотинининг бу кесатиғини эшитиб, Исмоил ака баттар асабийлашди, оқибатда эр-хотин бироз фикрлашиб олишди. Аслида шунақа пайтда аёл киши бир поғона паст тушиб, битта гапдан қолса, нур устига аъло нур бўлади. Лекин Ўғилой опа яна тилига эрк берди.

- **Доим шу зормандани ичиб олиб, жанжал кўзгайсан, - деди аёл хўжайинини сенсираб баттар иззат-нафсига тегиб.** (Интернетдан)

Қайнонасининг қайнотасига қилган бундай ҳурматсизлигини кўриб, келини Шарифа лабини тишлади.

Шунингдек, **ака(опа)→сингил (ука)** муносабатида сенсираш, **сингил (ука) → ака(опа)** муносабатида эса сизлаш одатий меъёр ҳисобланади.

- **Раҳматли онам сени менга ташлаб кетган. Эл-юрт олдида бошимни ҳам қилиб кетдинг, орқангдан қувмадим. Марғилон йўлини менга берк қилиб кетдинг, индамадим. Жигарчилик, деб чидадим. Энди эсингни йиғ.**

Лутфиниса акасининг бетига тик қаради.

- **Қистаманг, ака. Кетолмайман. Бирон ҳафтадан кейин каналга сув очилади. Мен шу ерда бўлишим керак.**

Акбарали истеҳзоли кулди.

- **Тавба, сен бўлмасанг каналга сув келмай қоларканми. Аҳмоқ бўлма!**

(Саид

Аҳмад. “Уфқ” трилогияси).

Ёши катта (бегона) → ёши кичик (бегона):

Вой, хўп, хўп, болам. Сен бош ювасан-у мен сув иситиб бермайманми? - Орзихон ая пилдираб ўчоқ бошига кетди, Самоварга сув қуйиб теша билан тараша учира бошлади. - Сочингни ўзим қирқ кокил қилиб ўриб қўяман. Ҳой болам, ўсма узиб офтобга ташлаб қўй. Сўлиб турсин. (Саид Аҳмад. "Уфқ" трилогияси).

Ёши кичик (бегона) → ёши катта (бегона):

- Эш ака, хафа бўлмайсиз. Сизга тан бераман. Сиз меннинг устозим бўласиз...

Азизхоннинг гапи оғзида қолди. Эш полвон уни кўксидан итариб дўнғиллади:

- Тирранча, сен ҳали чучваранн хом санаяпсан. Мени майна қиляпсанми?

У шундай деди-ю ерни гурс-гурс босиб чойхона тарафга кетди.

(Саид

Аҳмад. "Уфқ" трилогияси).

Синтактик бирликларнинг прагматик мақсад талаби билан **оғиши** эса тил ташувчиларининг муайян нутқий вазиятдаги социопсихопрагматик ҳолатига кўра юз беради.

Чехраси шу қадар хомуш, шу қадар аянчли эдики, қўрқиб кетдим. Шаҳноза қилт этмай ўтирар, ўзи ёнимда-ку, хаёллари узоқ-узоқларда кезаётганини ҳис этиб турардим.

- Қўй энди, Шаҳноз... - дедим умримда биринчи бор сенсираб. - Кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. (Ў.Хошимов. "Тушда кечган умрлар")

Дискурсив вазият нутқ бирликларини танлашга бевосита таъсир қилади. Сўзловчи узоқ муддатли армияга кетиш арафасида, Афғонистонга юборилиш эҳтимоли мавжуд ҳолатда олдинда кутилаётган мавҳум айрилиқ, урушдан омон қайтиш-қайтмаслиги гумон бўлиб турган ижтимоий танглик таъсирида тўрт йилдан бери сизлаб, ардоқлаб юрган қизига сенсираб мурожаат қилади. Бундан мақсад, ҳурматсизлаш, тингловчини паст олиш эмас, балки ўзига яқин тутиб, қалбига яқин кадрдонини йўқотиб қўйиш хавфидан чўчиш сабабли мурожаат шаклини ўзгартиради. Сўзловчи ҳам буни ҳис қилади, тушунади.

Одатда, ўзбек менталитетига кўра икки бегона шахс бир-бирига сизлаб мурожаат қилдилар. Нутқий вазият талаби билан ушбу меъёрдан четлашиш ижобий ёки салбий характерда бўлади, бу эса контекстда маълум бўлади.

Ижобий:

- Гапиринг! - деди жеркиб. **- Нима дардингиз бор? Олдиндан айтиб қўяй!** "Пахта иши" билан **келган бўлсангиз** гаплашмайман!

Шахт билан ўрнимдан турдим-да, хайрлашмасдан эшикка йўналдим.

- Шошманг! - деди у бақириб. Тўхтадим.

- Қайтинг! – "Опал" кутисидан сигарет олиб лабига эмас, сарғайиб кетган тишлари орасига асабий қистирди. Гўё ғажиб ташламоқчи бўлгандек.

- Айтавер, дардингни! - деди тўсатдан **сенсираб**. Гап бошлашим билан чехраси ёришди. **- Шомансур аканинг ўғлимисан? Ташла қўлни! Отанг ажойиб одамлар! У киши тўғрисида очерк ёзганман. Ишнинг кўзини биладиган раис эдилар... Ўзинг қаерда ишлайсан?**

- Ўқийман, - дедим тўнғиллаб. **- Журналистикада.**

- Ия, ҳамкасб эканмиз-ку! Қани, бир бошидан гапир-чи, нима бўлди ўзи?

(Ў.Хошимов. "Тушда кечган умрлар")

Ҳақпараст журналист йигит жамиятда бўлаётган ноҳақликлар, хусусан, "пахта иши", "ўзбек иши" деб ном олган оммавий айбловлардан норози кайфиятда эди. Редакцияга ҳақиқат излаб келган йигитга дастлаб расмий муомалада бўлган журналист Рустамжоннинг мақсадини англагач, ўзи нафратланаётган воқелиқдан жабр кўраётган инсоннинг ўғли экани сўзловчининг дўстона яқинлик асосидаги мурожаат шаклига ўтишига туртки беради.

Салбий:

Муносабатлар таранглашганда, ёши, мавқеи каби омиллар асосидаги мулоқот хулқи меъёрларидан чекиниш рўй беради, натижада мурожаат шакли ҳам салбий тусга киради.

Кимсан акам шундай важоҳат билан устига бостириб бордики, Очилбой беихтиёр орқага тисарилди.

- Укам... - деди қалтираб.

- Эшитдингми? - Кимсан акам ғазаб билан пишқирди.

- Жон керак бўлса, туёгингни шиқиллат!

- Укам...

- Мен сенинг укангмасман! - Кимсан акам тишларини ғижирлатиб таъкидлади. **- Тушундингми?**

- Кимсанжон... - Очилбой шоша-пиша кўзойнагини қайтадан тақди. Қоронғида аянчли илжайди. (Ў.Хошимов. "Икки эшик ораси" романи)

Одатда, сизлаб мурожаат қилиш ижобий фазилат ҳисобланади, айрим нутқий

ТИЛШУНОСЛИК

вазиятларда эса унинг **салбий** характер касб этишини ҳам кузатиш мумкин.

1) Ота-бола муносабатидаги носамимийлик, макон ва замон жиҳатдан узоқлашиш туфайли “пойтахтда яшайдиган ўғил” олдида ўзининг камтарин ва хокисор турмуш тарзидан қимтиниши натижасида отанинг ўз ўғлига бегонасираб муомала қилиши адресат руҳиятига ҳам таъсир қилади, яъни *перлокутив акт* салбий натижа беради.

– *Нега жойини ўзгартиряпсиз?– сўради тағин Юсуф.*

– *Чунки сояда қолиб кетди. Қўшни иморатни қаранг, – Одил ака имо билан собиқ раис бованинг қўшқаватли, баланд уйини кўрсатди, – занғарнинг дастидан кўп мевалар ҳеч офтоб кўрмаяпти. Токни бошқа томонга тарашдан мақсад ҳам шу – офтобга олиб чиқиш, – негадир Одил ака ўғлига хиёл қизариб, қимтиниб, бунинг устига “сиз”лаб гапирарди. Юсуф бундан мутаассир бўлди. У отасида илк бор одамзотга хос ожизликни, синиқликни кўраётганди. Кўнгли алланечук бўлиб, томоғига нимадир тикилди... (Улуғбек Ҳамдам. “Мувозанат” романи)*

2) Қатағон йилларининг аёвсиз, бераҳм “орган” ходимлари халқ орасида ўлим шарпасидек кезиб юрган бир пайтда уларнинг халқни эзиш механизми мурувватлари сифатида инсонларга ҳайвондек муносабатда бўлиши одатий ҳолга айланган эди. Мана шундай жирканч гуруҳ вакилининг хонадонга бостириб кириб “меҳрибонлик” ниқобида муомала қилиши ортида ғаразли мақсадлар яшириниши табиий ҳол эди. Шунинг учун бобоси, отасининг ўлимига сабабчи бўлган “шапкали”нинг ҳимоясиз она-болага сизлаб муомала қилиши ўсмир қиз Чўлпонойга ғайритабиий туюлади. Дарҳақиқат, пировардида “шапкали” мудҳиш воқеага – онанинг ўлимига сабаб бўлади.

Сандалга оёғини тиққанидан кейингина Қурбоний совуқ жон-жонидан ўтиб кетганини сизди. Елкалари силкинар, аъзойи бадани титрар, негадир нафас олишга қийналарди. Қизиқ, шапкали ҳам сандалнинг бир томонига чўкди. Оёғини сандалга тиқиб, бир зум кўзларини юмиб турди-да, буюрди:

– *Ўтиринг! Нега қаққайиб турибсиз?*

Ажаб, бу сафар негадир сизлаб гапирди. Токча олдида турган онаси бош чайқади.

– *Зиёни йўқ, мен туравераман...*

– *Ўзингиз биласиз... – Шапкали бошидан шапкасини ечиб, сандал устига тўнқариб қўйди. (Ў.Хошимов. “Тушда кечган умрлар”)*

Нутқий актда тил ташувчилари мансуб бўлган миллатнинг маданий хусусиятлари негизидаги билим муҳим рол ўйнайди. Ҳаётий фаолиятнинг инсон онгида мустаҳкамланган тасаввур шакллари бўлган маданий ҳодисалар пайдо бўлиши марказида коммуникатив эҳтиёж ётади ва улар инсон онгининг мулки сифатида фикрлари ва ҳаракатларига таъсир қилиши билан изоҳланади. Маданият инсоннинг нутқий фаолияти характерини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Унинг лингвистик коммуникатив компетенцияси айнан шу жиҳат билан белгиланади. Бошқа маданиятга оид тил ташувчилари билан мулоқот жараёнида ана шу маданий билим етишмаслиги оқибатида тил бирликларини нотўғри талқин қилиш мумкин.

– *Нега у сувни минебошига бердингиз?*

– *Жуда ташна бўлиб сўраган эди, шундоққина токчадан олиб узатдим.*

– *Чойнакда заҳар борлигини билармидингиз? Зеби кулди.*

– **Қизиқ экансан (ўрусни сизлаб бўлмайдим), мен қаердан билай?**

– *Демак, эрингизни ўзингиз ўлдирдингиз? Зеби қаттиқроқ ва чўзиброқ жавоб берди:*

– *Йў-ў-қ!.. Ўлибманми ўз эримни ўлдириб. (Чўлпон. “Кеча ва кундуз” романи)*

Соддагина Зебининг эшитганлари бўйича тасаввурда “ўрисни сизлаб бўлмайдим” деган ахборотнинг мавжудлиги унинг терговчига *сенсираб* мурожаат қилишига сабаб бўлади. Ўзбекларда бундай фикрнинг пайдо бўлиши эса ўша давр ижтимоий муҳити билан боғлиқ бўлиб, русларнинг ўзаро мулоқотида *сенсираб* гапириш нутқий меъёр эканлиги ҳақидаги бир ёқлама тушунча билан боғлиқ эди. Маданиятлараро мулоқотнинг ибтидоий шаклида ҳали умуминсоний мезонлар шаклланиб улгурмаган эди. Шунинг учун ҳам маданиятлараро мулоқотга эҳтиёж кучайган бугунги даврга келиб, чет тилини ўрганишни ўша халқ маданиятини ўрганиш билан қўшиб олиб бориш зарурати мутахассислар томонидан кўп бор таъкидланмоқда.

Сенсирамоқ. 1. Бирор шахсга “сен” деб мурожаат этмоқ [9,480].

2. “Сен” деб мурожаат қилиш орқали беҳурмат муносабатда бўлмоқ.

Сизламоқ. Ўздан каттага ёки бирор одамга ҳурмат юзасидан “сиз” деб мурожаат этмоқ [9,496].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *сенсирамоқ* ва *сизламоқ* сўзларининг изоҳи тўлиқ таърифланмаган. Юқоридаги таҳлилларимиз асосида ҳар икки сўз ҳам

контекстда ижобий ва салбий маънолар ифодадай олишини кузатдик. Бу эса келгусида ана шундай концептуал тушунчалар изоҳини мукамаллаштиришда прагматик таҳлилнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади

Таҳлиллардан кўринадики, тил белгиларининг нутқий жараёнда воқеланиши экспрессив синтаксисни юзага келтириши прагматика билан чамбарчас боғлиқдир.

Синтактик қурилмалар трансформацияси воқеликни баён қилиш билан бирга баҳо муносабатини ҳам ифодадайди. Субъект билан боғлиқ ҳар қандай нутқда сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабати акс этади. Прагматик баҳонинг юзага келишида трансформацияланган синтактик қурилманинг ижобий ёки салбий бўёққа эгаллиги гапнинг ифода мазмунини кенгайтиради.

Адабиётлар:

1. Алпатов В.М. Язык – система правил и язык – деятельность // Историческая психология и социология истории 2/2018.
2. Бабаханова Д.А. Шахс нутқига у яшаб турган ҳудуднинг таъсири // НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ, 2019 йил, 3-сон.
3. Корниенко М.А. Лингвофилософия Ноама Хомского: от картезианской традиции к генеративной грамматике // Вестник Томского государственного университета. Философия. Социология. Политология. 2018. № 43
4. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. Ўқув кўлланма – Т. 2004 й.
5. Маҳмудов Н, Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис) – Т., Ўқитувчи, 1995 й.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-жилд, Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар. –Т., 2012 й.
7. Почепцов Г.Г. Конструктивный анализ структуры предложения. – Киев: Высшая школа, 1971 г.
8. Стародумова Е.А. Синтаксис современного русского языка. – Владивосток, Изд. Дальневосточного университета, 2005 г.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик, 3-жилд, – Т., ЎзМЭ, 2007.
10. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Фарғона, 2013 й.
11. Шмелева Т.В. Семантический синтаксис: Текст лекций из курса «Современный русский язык» / Краснояр. гос. ун-т. – Красноярск, 1994 г.
12. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка – Л., 1941 г.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор).